

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Ёшларга оид давлат сиёсати – амалда

ЁШ МУСИҚАЧИЛАР ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори туфайли мамлакатимизнинг барча ҳудудларида замонавий, ҳар томонлама кулай мусиқа мактаблари қад ростламоқда, мавжудлари қайта таъмирланиб, моддий-техник базаси янада яхшиланоқда.

Бугун мазкур замонавий таълим муассасаларида санъатсевар ёшлар миллий ва жаҳон мусиқа санъати сирларини мукамал эгаллашмоқда. Улар орасида кўплаб нуфузли халқаро танловлар ғолиблари, давлат мукофоти совриндорлари етишиб чиқётгани ана шу эътибор ва гамхўрлик меваларидир. Зотан, эътибор ва рағбат ҳар бир ёш истеъдод соҳибининг ижодий изланишларини юзага келтирувчи, интилишлариға қанот берувчи бекиёс омил.

Қибрай туманининг Дўрмон кишлоғидаги 2-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам кейинги йилларда қад ростлаган худди шундай маданият ва санъат қосоналаридан. Давлатимиз раҳбарининг юқоридаги қарорини шарофати билан янги-

дан қурилиб фойдаланишга топширилган мазкур муассаса бугун дўрмонлик санъатсевар ёшларнинг сеvimли масканига айланиб улгурди. Ҳозир бу ерда 250 дан зиёд ўғил-қиз миллий чолғу асбоблари, фортепьяно, рақс, аънавий хонандалик, тасвирий ва амалий санъат каби 14 йўналишда билим олмақда. Янги, кўркам бинода, замонавий шaroитларда таълим олаётган мактаб ёшлари бундай эътибор ва гамхўрликка жавобан бирин-кетин мамлакат ва халқаро миқёсдаги фестивал ва танловларда мубаффақият қозонишмоқда.

Яқинда мактаб ҳаётида ана шундай қувончли воқеа юз берди. Санъат масканининг иқтидорли ёшларидан уч нафари Италиянинг Джюа дель Колле шаҳрида фортепья-



но бўйича бўлиб ўтган аънавий мусиқа фестивалидан хушхабар билан қайтишди. Дунёнинг кўплаб минтақаларидан вакиллари қатнашган танловда шу мактаб ўқувчилари Мафтуна Ёдгоровна, Шоҳрух Бахтиёров ҳамда Мадина Дехқонова иккинчи ва учинчи ўринларни банд этишди.

– Мен жонажон юртимнинг асл бахтиёр фарзандиман, – дейди ёш мусиқачи Шоҳрух Бахтиё-

ров. – Давлатимизнинг катта эътибори туфайли энг замонавий шарт-шaroитларга эга бўлган таълим масканларида тахсил олаётган ўғил-қизларни қузатарканмиз, ана шу фикрлар ҳаёдан ўтди. Айниқса, уларнинг мамлакатимиз ва хоризда ташкил этилган танлов ва фестивалларда ғалабага эришган онларидиға қувончу ҳаяжонини тасвирлаш қийин. Балки, бу ерда ўқиётганларнинг ҳаммаси ҳам

Гап уларнинг қобилиятини вақтида англаб, йўналтира билишда. Мазкур билим даргоҳида тахсил олаётган ўғил-қизларни қузатарканмиз, ана шу фикрлар ҳаёдан ўтди. Айниқса, уларнинг мамлакатимиз ва хоризда ташкил этилган танлов ва фестивалларда ғалабага эришган онларидиға қувончу ҳаяжонини тасвирлаш қийин. Балки, бу ерда ўқиётганларнинг ҳаммаси ҳам

келажақда санъат йўлини танламас, бироқ, ишончимиз қомилки, улар миллий қадриятларимизни ҳурмат қиладиган, эл-юрт, Ватан манфаатини ҳамма нарсадан устун қўядиган инсонлар бўлиб қамол топишади. Негаки, санъатни севган инсоннинг кўнглида ҳаммаша фидойилик, эзгулик, олижаноблик хислатлари жўш уради. **Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

Саноат кўргазмаси

Геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефть-кимё ва металлургия саноати мажмуаларининг тармоқ саноат кўргазмаси ўтказилиши муносабати билан 11-13 июнь кунлари "Ўзэкспонар-каз" павильонлари янада гавжум бўлди.

БУЮРТМА БИЗДАН, МАҲСУЛОТ СИЗДАН



(Давоми 2-бетда).

Яна тўловлар ҳақида

АВВАЛ ПУЛИНИ ТўЛА, КЕЙИН ЧИРОҚ ЁҚ!

Мамлакатимизда коммунал тўловлар тизимини истемолчилар имкониятиға қараб белгиланган. Жаҳон амалиётиға таққослаш асносида бунинг исботини кўриш мумкин. Масалан, хоржий мамлакатларда уй-жой коммунал хўжалиги хизматлари учун тўлов олдиндан тўлиниши қатъий белгилаб қўйилган. Бизда эса коммунал тўловларни олдиндан тўлаш шарт эмас. Бу ҳам аҳоли учун қўшимча қулайликдир.

Шундай бўлсада, Паркент туманида электр ҳақини олдиндан тўлаб қўядиган фуқаролар бор экан. Улардан бири Сўқоқ кишлоғи «Чинор»

маҳалласида яшовчи Гултўра Эргашов. У коммунал хизматлардан қарз бўлишни истамайди.

(Давоми 2-бетда).

Семинар

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ – ҚўМИТА ТАЯНЧИ

Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолиғида хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ижтимоий фаолиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларға муносиб шарт-шaroит яратиш, қобилиятини рўйбга чиқариш, оила, оналик ва болаликни химоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар яхши самара бераяпти.

Буни Бекобод шаҳридаги "Ўзметкомбинат" очиқ акциядорлик жамиятида меҳнат қилаётган хотин-қизлар ҳаётида ҳам яққол кўриш мумкин. Айни чоғда корхонада 2500 дан зиёд аёл меҳнат қилади. Жамият бўлиналаридаги хотин-қизлар эркаклар билан елкама-елка туриб, меҳнатда яхши натижаларға эришаётдилар.

Корхона маъмурияти ҳамда касаба қўмитаси томонидан муҳтож, кўп болали, фарзанди ногирон ишчи аёлларға моддий ёрдам берилиб, қўллаб-қувватланмоқда. Уларнинг корхона тасарруфидаги

санаторий-профилакторийда дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун имтиёзли йўлланмалар ажратилапти. Йил давомида "Чорвоқ" дам олиш масканида кўплаб аёллар хордиқ чиқаришмоқда.

Бу ерда амалга оширилётган турли тадбирларда хотин-қизлар бошланғич ташкилотларининг ўз ўрни ва нуфузи яққол кўзға ташланади. Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбир-

лар тўғрисида"ги Фармони ижроси доирасида хотин-қизлар бошланғич ташкилотлари фаолиятини тақомиллаштиришга бағишланган амалий семинар ўтказилди. Унда вилоят, шаҳар ва туман хотин-қизлар қўмиталари ҳамда корхона ва ташкилотлар хотин-қизлар бошланғич ташкилоти раислари иштирок этдилар.

Семинар қатнашчилари дастлаб корхонанинг учта таркибий бўлиналарида хотин-қизлар учун яратилган иш шaroитлари билан яқиндан танишишди. Сўнгра "Ўзметкомбинат" ОАЖ музейи, "Металлург" шифохонаси, маданият саройи, сузиш ҳавзаси, марказий стадиони, "Ёшлик" спорт мажмуаси, "Баркамол авлод" болалар боғида бўлдилар.

Иштирокчилар вилоятда ягона бўлган "Ёшлар маркази" да миллий

хунармандчилик кўргазмаси билан танишган, комбинат фаолияти ҳақидаги ҳужжатли фильмни томоша қилдилар. Корхона хотин-қизлар бошланғич ташкилоти иш тажрибаси тўғрисида ташкилот раиси Одина Раҳимованинг маърузаси тингланди. Тадбирда сўзға чиққанлар бу ташкилотнинг иш услуби, корхонада яратилган шарт-шaroитлар, ибрат бўлса арзигулик тажрибалар, хотин-қизлар қўмиталари фаолиятини тақомиллаштиришда бошланғич ташкилотларининг ўрни ва роли ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

Семинарда Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси Э. Боситхонова иштирок этди.

Каримкул МАВЛОНОВ, "Тошкент ҳақиқати" муҳбири.

Семинар

Вилоятимиз фермерларидан 4 минг 43 нафари бу йилги мавсумда 131 минг 780 гектар майдонға асосан юқори навадаги барақа уруғини қадаган. Ушбу жараён ўз вақтида амалға оширилгани боис, экиннинг тупроқ таркибидаги озуқа моддаларини тўлқ ўзлаштириб, қалин туплаши ва дуркун ривожланишиға замин яратилди.

Айни пайтда ҳосил ўринини уюшқоқлик билан ташкил этишға алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят туманларида семинарлар ўтказилмоқда.

Куни кеча Янгийўл, Оқкўрғон, Ўрта Чирчиқ, Юқори Чирчиқ ва Куйи Чирчиқ туманларида ташкил этилган шундай йилги ишда вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари, бошқарма бошлиқлари, туманларда тузилган ўрим-йилғим отрядлари шахсий таркиби, фермер хўжалиқлари раҳбарлари қатнашишди. Вилоят ҳокими Аҳмаджон

Усмонов бошқарган ушбу семинарларда галла ўринини отряд тизимида ташкил этиш, мавсумни уюшқоқлик билан бошлаб, қисқа муддатларда ниҳоясига етказиш, давлат шартнома режаларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айниқса, отряд раҳбарлари, уларнинг ўринбосарлари ва ҳар бир отряд аъзоларининг вазифалари атрофида тушунтирилди. Ўрим-йилғим мавсуми учун бириктирилган комбайнлари икки сменада ишлатиш, янчиқан дон ҳосилини пешма-пеш тай-

МАВСУМДА МУАММОЛАР БўЛМАЙДИ



ёрлов корхоналарига етказиш, ўриш ва ташкил жараёнларида нобудгарчиликка йўл қўймаслик, мавсум давомида қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш, отряд аъзолари-

ға етарли иш шaroитлари яратиш, уларнинг соғлиғини мунтазам назорат қилиш, комбайнчиларнинг иш ҳақларини ҳар беш кунда бериб бориш юзасидан услубий тавсиялар,



мутасадди бўлим ва бошқармаларға тегишли топшириқлар берилди. Семинар сўнгида ўтган йилги ўримда фаол эштиди.

Бахтиёр ШАВКАТОВ, Азамат АҲМЕДОВ, Қобилжон ҒОҒУРОВ олган суратлар.

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг тақлифиға биноан 2014 йил 16-18 июнь кунлари Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ илк давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Олий даражадаги учрашув ва музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Жанубий Корея ўртасидаги кўпқиррали ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ҳамда уни янада кенгайтиришнинг узоқ истикболға мўлжалланган устувор йўналишлари, минтақавий ва халқаро аҳамиятға молик долзарб масалалар муҳокама қилинади.

Ташриф якулари бўйича давлат раҳбарлари томонидан Стратегик шериклики янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш ҳақидаги қўшма декларация қабул қилиниши, турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлики янада ривожлантириш учун мустаҳкам асос бўладиган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Маънавият

Бой миллий меросимизға алоҳида эътибор зарур

Шу йилнинг май ойида Самарқандда "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожланишидаги роли ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Президентимиз Ислоҳ Каримов анжуманининг очилиш маросимида сўзлаган нутқида: "Ўрта асрларда Шарқ оламида яшаб ижод этган буюк аллома ва мутафаккирларнинг илмий меросини чуқур муҳокама қилиш ва англаш, унинг замонавий цивилизация тарихида тугган ўрни ва ролиға баҳо бериш..."

Ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришға қаратилган саъй-ҳаракатларға янги туртки бериш, Шарқнинг улғу алломалари томонидан амалға оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар дол-

зарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим", дея таъкидлади. Дунёнинг айрим давлатларида юз бераётган фожияли воқеалар, уларнинг сабаб-оқибатлари бўйича ҳулосалар жамият ҳаётида маънавиятнинг нечоғли улкан аҳамиятға эгаллигини кўрсатмоқда. Маънавияти, имон-эътиқоди, фидойилиғи, мамлакат ҳаётиға нисбатан дахлдорлик ҳисси, фаол фуқаролик мавқеи мустаҳкам бўлган жамиятда тинчлик, осойишталик, барқарор ривожланиш устувор бўлишини Ўзбекистон тажрибаси исботлаб турибди.

(Давоми 2-бетда).

Коллежлардан дараклар

ИШ ЎРНИ ТАЙИН БўЛДИ

Янгийўл технология иқтисодиёт касб-хўнар коллежида "Мутахассислик-сенинг келажагинг!" шиори остида бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

Унда қатор корхона ва ташкилот ўз бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Коллежнинг 150 нафар битирувчиси ҳамда 89 нафар ёшлар ва 67 нафар ишсиз аёллардан иборат қатнашчиларнинг кўпчилиги доимий иш ўринларига эга бўлди.

БОЛАЛАР – БИЗНИНГ КЕЛАЖАГИМИЗ

Бекобод иқтисодиёт касб-хўнар коллежида кўп йиллар ёшларға таълим берган Тамара Пак ташаббуси билан "Болалар – бизнинг келажагимиз" номли тадбир ўтказилди.

Унда болажонлар Ватанни мадҳ этувчи шеър, ашулалар ҳамда замонавий рақслар ижро этишди.

Юлдуз ФАЗЛИЕВА.

Фан олимпиадаси

Маълумотларга қараганда, халқаро фан олимпиадаларида мустақиллик йилларида мамлакатимиздан 261 нафар йигит-қиз иштирок этган. Рақамларга мурожаат қилсак, уларнинг 50 фоиздан зиёди юқори натижа қайд этганига гувоҳ бўламиз. 22 олтин, 52 кумуш, 94 бронза...



УНИВЕРСИТЕТГА ИМТИҲОНСИЗ

Ёшларнинг бундай натижаларни қайд этишида, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази ва Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Давлат тест маркази ҳамкорлигида ҳар йили ўтказилиб келинадиган фан олимпиадасининг хизмати катта. Шунинг учун ушбу беллашувда иштирок этган иштирокчи бўлганларнинг сони йилдан-йилга ортиб, мавқеи юксалиб борапти.

Ўтишини таъминлаш мақсадида ташкилотчилар томонидан вакиллар бириктирилди. Олимпиада якунига кўра, иштирокчиларнинг 14 таси I, 13 таси II, 10 таси III ўринни эгаллаб, жами 37 нафар академик лицей ва касб-хунар коллежи ўқувчилари голиб бўлишди.

Умумий ҳисобда Самарқанд вилояти 4 та совринли ўрин билан III ўринни кўлга киритди. 5 нафар голиб ўқувчиси билан Наманган II поғонага лойиқ қўрилди. Тошкент шаҳри 13 та голиб билан республика босқичининг юқори поғонасини забт этди.

МАҚСАД – СИФАТЛИ ТРАНСПОРТ ХИЗМАТИНИ КЎРСАТИШ

Мустақиллик йилларида Президентимиз ташаббуси билан йўловчи транспорт соҳасида кенг кўламли ислохотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Автомобиль транс-

портида йўловчиларга хизмат кўрсатиши тартибга солиш ва ривожлантиришда қабул қилинаётган қонунлар ва унинг ижросига доир ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Йўловчилар узогини яқин, оғирини енгил қилиш, аҳолига сифатли транспорт хизмати кўрсатиши йўлга қўйиш мақсадида вилоят ҳокимлигининг йўловчи транспортнинг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти фаолияти йўлга қўйилган. Бугун илгари-илгиридек бекатларда соатлаб автобус кутишга ҳожат йўқ. Вилоятнинг энг чекка қишлоғига ҳам замонавий "ISUZU" русумидаги янги автобуслар қатнапти. Йўналиш таксилари зум ўтмай манзилга етказиб қўйилди.

3177 та енгил автобильлар бор. 185 та автокорхона ва уюшма мунтазам, 62 таси буюртма асосида фаолият кўрсатмоқда. Вилоятимизда бугунги кунда 703 та йўналишдан 310 таси автобус ҳамда 393 таси такси йўналишлари ҳисобланади. Улардан 56 та автобус ва 18 та такси йўналишида йўловчи ташиш амалга оширилмапти.

Иштирокида ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқимиз қарорлари ижроси доирасида барча шаҳар ва туманларда йиғилишлар ўтказилди. Вилоят ИИБ ЙХХ солиқ бошқармалари ҳамда Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлигининг вилоят бўлими билан ҳамкорликда тузилган режа асосида ўтказилган рейдлар натижасида 3541 та автотранспорт воситаси назоратдан ўтказилиб, 473 та ҳолат бўйича ДСИ ходимлари томонидан баённомалар тузилди. Шундан, 387 та ҳолат бўйича суд органлари томонидан 254 миллион 357 минг сўм маъмурий жарима қўлланган, 5 та ҳолатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан жиноий иш қўзғатилган.

Кўргазма

ТАЪЛИМ ВА МУТАХАССИСЛИК

Зангиота туманидаги академик лицейда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, ўрта махсус, касб-хунар таълими, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамда Тошкент Давлат аграр университети билан ҳамкорликда ташкиллаштирилган кўргазма ана шундай номланди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига асосан ўтказилган маросимда вилоятимиз шаҳар ва туманларидаги мавжуд 6 академик лицей ва 122 касб-хунар коллежлари битирувчилари иштирок этди.

Шунингдек, ташкилотчилар касб-хунар коллежлари битирувчиларини вилоятимиз корхона ва ташкилотларидаги бўш иш ўринлари билан ҳам таништирди.

Олов – тилсиз ёв

ОСОЙИШТАЛИК ЙЎЛИДА

Жойларда ёнғин хавфсизлиги қондалари бўйича кенг кўламли тушунтириш ишлари ўтказилаяпти. Афсуски, баъзи фуқароларнинг лоқайдлиги, бепарволиги оқибатида ёнғинларнинг асосий қисми аҳоли тураржойларида содир бўлаяпти. Ушбу ёнғинлар натижасида халқимизнинг мол-мулкига зарар етмоқда.

Яна бир ўқув йили ниҳоясига етиб, болалар соғломлаштириш ва дам олиш оромгоҳларига йўл олишди. Эртамиз давомчилигининг мавсумда марокки дам олиши, турли кўнгилсиз ҳодисаларга дуч келмаслиги кўп жихатдан биз катталарга боғлиқ. Шун билан, муассаса раҳбарларининг зиммасига катта масъулият юкланади. Улар айниқса ёнғин хавфсизлиги қондаларига қатъий риоя этишлари керак.

ЁЗ – СОЗ ЎТАДИ

қилиб жойлаштириш; барча ходимлар билан ёнғин хавфсизлиги қондалари бўйича ўйриқнома ўтиш; эвакуация режасини ишлаб чиқиш; таққилланган жойларда электр асбоблардан фойдаланмаслик; бирламчи ёнғин ўчириш воситалари билан тулик хизматланиш; хизматчиларнинг туғни наватчилигини ташкил этиш, уларни қўл-электр чироклар билан таъминлаш; ёнғин ахлат ва чиқиндиларни ҳар кун алоҳида ажратилган жойларга олиб чиқиш; гулхан ёқилгани туғни ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари билан келишган ҳолда ўтказиш ва ушбу майдонлар бинолардан камидан 100 метр масофада бўлиши, керакли микдорда ёнғин ўчиргич воситалари билан таъминлаш; тоғларда катта байрам гулханини ёқиш учун

худудий ўрмон хўжалиги билан келишилиши, гулхан атрофи 1,4 метр кенгликда чопилиши, 25 метр радиусида куруқ ўтлардан тозаланиши ва байрамдан сўнг гулханни сувга буктириб, тўпроқ билан кўмб ташлаш керак. Оромгоҳда чекиш, очик оловдан фойдаланиш қатъиян ман этилади. Шун алоҳида таъқидлаб ўтқочқимизки, юқоридаги қондаларга тулик амал қилинишига муассаса раҳбарлари ва хизматчилари жавоб берадилар. Зеро, олов тилсиз ёв экан, болалар ёзи соз ўтишисиз биз катталар оғоҳ турайлик!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ АДЛИЯ БОШҚАРМАСИ ТИЗИМИГА КИРУВЧИ ДАВЛАТ НОТАРИАЛ ИДОРАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ ЯНАДА МУСТАҚАМЛАШ, ЖУМЛАДАН УЛАРНИ ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР ВА ЖИҲОЗЛАР БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА

1. Ангрен шаҳар 2 ва 3-сон давлат нотариал идоралари учун аҳоли гавжум ва фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш учун қулай бўлган ҳамда кўп қаватли бинонинг 1-қаватида жойлашган камидан 2 хонадан иборат бўлган 2 та нотуражой биноси сотиб олинади. 2. Бўка туман 2-сон давлат нотариал идоралари учун аҳоли гавжум ва фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш учун қулай бўлган ҳамда кўп қаватли бинонинг 1-қаватида жойлашган камидан 2 хонадан иборат бўлган 1 та нотуражой биноси сотиб олинади. 3. Бустонлик туман 2-сон давлат нотариал идораси учун аҳоли гавжум ва фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш учун қулай бўлган ҳамда кўп қаватли бинонинг 1-қаватида жойлашган камидан 2 хонадан иборат бўлган 1 та нотуражой биноси сотиб олинади. 4. Олмалик шаҳар 2 ва 3-сон давлат нотариал идоралари учун аҳоли гавжум ва фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш учун қулай бўлган ҳамда кўп қаватли бинонинг 1-қаватида жойлашган камидан 2 хонадан иборат бўлган 2 та нотуражой биноси сотиб олинади. 5. Зангиота туман 3, 4, 5, 6, 8, 9, 11, 12, 13-сон давлат нотариал идоралари учун аҳоли гавжум ва фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатиш учун қулай бўлган ҳамда кўп қаватли бинонинг 1-қаватида жой-

Хурматли тadbиркорлар ва кичик бизнес субъектлари вакиллари!

Президентимизнинг 2011 йил 7 февралдаги "Давлат ҳаридлари тизимини мақбуллаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишига кенгайтириш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ кичик бизнес субъектларини Ўзбекистон Республикаси товар хом ашё биржасида аккредитациядан ўтказиш давом этмоқда. Сиз электрон савдоларда иштирок этиш орқали, ўз вақтингизни, маблағингизни тежаш билан бирга фаолият турингизни янада кенгайтиришингиз, даромаднингизни оширишингиз мумкин. Бунинг учун сиздан қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: - бергиланган шаклдаги ариза; - корхонангизнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома хусуси; - етказиб берувчининг раҳбар ва бош хисобчисининг юридик шахс ёки юқори ташкилот муҳри билан тасдиқланган имзолари намуналари, шахсий имзони тасдиқланган имзолари намунаси (хусусий тadbиркорлар учун) қўйилган қарточка; - тегишли лицензия ёки рухсатнома тўғрисидаги ҳужжатнинг нусхаси. Қўшимча маълумотлар учун: Тошкент вилояти товар хом ашё биржаси манзили. Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани, Бобур кўчаси, 77-уй. Тел.: 113-33-00, 113-33-33, 113-33-51. Тошкент вилояти Гафазчилик бошқармаси манзили: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Истиқлол-29. Тел.: 239-27-07, 239-17-43, 239-29-98.



Объявляет о проведении конкурсного отбора подрядной организации на проведение работ по проекту "Газоснабжение УП "KAPSANTEX" на территории промзоны г. Ангрена". Предложения принимаются до 17.00 часов 18.06.2014 года по адресу г. Ангрен, улица Фархадская-1. По вопросу получения дополнительной информации обращаться по телефону: (+99893) 550-46-06 (+99893) 501-00-69.

Виллоят газначилик бошқармаси. Тошкент шаҳар Чилонзор тумани ТСРҮИ томонидан 09.02.2011 йилда № 006649-08 реестр рақами билан рўйхатга олинган "JALOLIDDIN FAYZ BARAKA" (ИНН 301834118) хусусий корхонаси ТУГАТИЛАДИ (таъсисчилик) 10.06.2014 йилдаги 3-сонли қарорига асосан). Даволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давомида Чилонзор 18-19-47 манзилида ёки (+99890) 927-82-73 телефон рақами орқали қабул қилинади. Чиноз тумани ТСРҮИ томонидан 27.09.2007 йилда № 245/1774 реестр рақами билан рўйхатга олинган "CHINOZ BUNYODKORI" МЧЖ 28.05.2013 йилда № 186/2703 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SUPER LIDER INVEST" МЧЖлар 19.02.2014 йилда № 277/2794 реестр рақами билан рўйхатга олинган "SUPER BRICK PRODUCTION" МЧЖ тартибига қўшилишини маълум қилади. Барча мажбуриятлар бўйича "SUPER BRICK PRODUCTION" МЧЖ ҳуқуқий ворис ҳисобланади. Яққасарой тумани ТСРҮИ томонидан 26.08.2009 йилда № 004775-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган "TEKHNIKA ADVANS SERVIS" МЧЖнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли "TEKHNIKA ADVANS SERVIS" хусусий корхонасига ўзгаришини маълум қилади. Телефон: 389-84-83. Яққасарой тумани ҳокимлиги хузуридаги ТСРҮИ томонидан "BOKYUNG TRADING SERVICE" (ИНН 301799888) МЧЖга тегишли бўлган 14.03.2012 йилда № 005753-11 реестр рақами билан рўйхатга олинган гувоҳнома, устав ҳамда 07.01.2013 йилда жамиятга улгуржи савдо фаолиятини ошириш ҳуқуқини берувчи УС № 009237 рақами лицензиянинг асл нусхалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Телефон: (+99890) 321-20-26, 908-93-00.

- ООО "MATLUBA ONA SAVDO" Шайхантахурского района извещает об уменьшении уставного фонда с 6 624 823 сум до 4 000 000 сум. Телефон: (+99890) 185-25-57.
- Тошкент шаҳар Учтепа тумани ТСРҮИ томонидан рўйхатга олинган "DONIYORXO'JA FAYZ MEBEL" (ИНН 301980134) МЧЖнинг молиявий натижалари акс этган 2011-2013 йил якунлари бўйича Ф-1 ва Ф-2 шаклдаги ҳисоботларнинг ҳамда қадрларга оид ҳужжатлар тўпلامининг асл нусхалари йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ. Телефон: (+99893) 523-33-13.
- "MASTER KOMMUNAL PRIBOR" хусусий корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли "MASTER KOMMUNAL PRIBOR" масъулияти чекланган жамиятига ўзгаришини маълум қилади.
- Утерьяний диплом № 003825, выданный в 28.06.1994 году ПТУ-47 г. Ташкента на имя Христофорова Евгения Анатольевича, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.
- ООО "BIOSABZAVOT" (ИНН 204988771), зарегистрированное ИПСР Бектемирского района г. Ташкента за реестр № 001454-02 от 15.04.2014 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Бектемирский район, ул. Х. Байкаро, дом 92, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение общего собрания учредителя № 2 от 11.06.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу г. Ташкент, Бектемирский район, ул. Х. Байкаро, дом 92.
- ООО "BELL FOOD" (ИНН 301752194, ОКПО 23465150), зарегистрированное ИПСР Юнусобадского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент, Юнусобадский район, ул. А. Дониш, дом 2-В, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение единственного участника № 3 от 11.06.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г.Ташкент, Юнусобадский район, ул. А. Дониш, дом 2-В.
- Тошкент Давлат юридик институты томонидан 2007 йилда Насиров Азизбек Азимович номига берилган В № 297143 рақамли диплом ҳақидаги йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
- СП ООО "LOGISTICS SERVICE SOLUTIONS" сообщает об уменьшении уставного фонда с 3 340 381,87 (три миллиона триста сорок тысяч восемьдесят один доллар 87 центов) США до 403 941,49 (четыреста три тысячи двести сорок один доллар 49 центов) США. Претензии принимаются по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, ул. Кумарик, дом 49.
- ООО "TAXI AIRPORT LUX" (ИНН 207998722), зарегистрированное ИПСР Юнусобадского района г. Ташкента за реестр № 006991-10 от 12.10.2010 г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Юнусобадский район, квартал 8, дом 50, кв. 90, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (решение единственного участника общества № 6 от 10.06.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.
- ООО "EAST PEARL" (ИНН 302657819), зарегистрированное ИПСР Алмазарского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, Алмазарский район, Широқ 104-А, ЛИКВИДИРУЕТСЯ (протокол собрания учредителей № 1 от 12.06.2014 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления.
- Тошкент фармацевтика институты томонидан (1995 йилда таомилган) Шокиров Ойбек Қувваталиевич номига 2008 йилда берилган № 248559 рақамли диплом дубликати йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
- Шайхонтоҳур тумани ТСРҮИ томонидан № 007363-09 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ARK TAOM BARAKA" унитар корхонасининг устав жамгармаси 52 088 295 сўмдан 42 088 295 сўмга камайишини маълум қилади.
- Тошкент тиббиёт коллежи томонидан 2011 йилда Хошимов Даврон Зоир ўғлига берилган ДК № 2239096 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

